



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIRINING FARMOYISHI

Ички ишлар органларида “Ватанга ва халққа садоқат билан хизмат қилиш – олий бурчимиз!” шиори остида “Маънавият ойлиги”ни ўтказиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 апрелдаги 5050-сон қарори билан тасдиқланган **Ички ишлар органларида маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш концепцияси** ижросини таъминлаш ҳамда ички ишлар органлари ходимларини ҳар қандай шароитда давлат ва халқ манфаатларига хизмат қиладиган, миллий кадриятларга содиқ, баркамол шахс сифатида тарбиялаш ишларини янги босқичга олиб чиқиш ҳамда ходимларнинг маънавий билим даражасини янада мустаҳкамлаш мақсадида, **буюраман:**

1. Ички ишлар вазирлигининг таркибий тузилмалари ва ҳудудий бўлинмаларида жорий йилнинг 1 май кунидан 1 июнь кунига қадар **“Маънавият ойлиги”** ўтказилсин.

2. Ички ишлар органларида **“Маънавият ойлиги”ни ўтказиш дастури 1-иловага** мувофиқ, ойлик доирасида ўтказиладиган тадбирлар бўйича **ташкилий кўмита** таркиби **2-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

3. Қуйидагилар **“Маънавият ойлиги”**нинг асосий мақсади этиб белгилансин: ходимларнинг маънавий-маърифий салоҳияти, умумий дунёқараши, сиёсий онги, маънавий қиёфасини юксалтириш, уларда ватанпарварлик, ғурур, ифтихор, касбига нисбатан садоқат ва юқори масъулият ҳисларини мустаҳкамлаш;

ички ишлар органлари ходимларини ҳар қандай шароитда давлат ва халқ манфаатларига хизмат қиладиган, миллий кадриятларга содиқ, умуминсоний кадриятларга таянадиган, ёт ва бузғунчи ғояларга муросасиз курашувчи, иймон-этиқоди ва иродаси мустаҳкам, маънавиятли ва фидойи, аждоқларимиз ва мардлик кўрсатиб ҳалок бўлган ходимларнинг бебаҳо меросига таяниб яшайдиган баркамол шахс сифатида тарбиялаш, улар қалбида давлат ва халқимизнинг хавфсизлигини таъминлашда шахсий дахлдорлик ва юқори масъулият ҳиссини қарор топтириш.

4. Ички ишлар вазирлиги таркибий тузилмалари ва ҳудудий бўлинмалари бошлиқлари:

“Маънавият ойлиги”ни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ҳудудий ишчи гуруҳлар тузилишини;

“Маънавият ойлиги”ни самарали ўтказиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқилишини, унда барча соҳавий хизматлар шахсий таркибининг маънавий билим савиясини оширишга қаратилган вазифаларни тақсимланишини;

Ойлик доирасида турли тадбирлар, учрашувлар, **“Маънавият маршрути”** бўйича диққатга сазовор жойларга ташрифларни ташкил этилишини;

1-илова билан тасдиқланган дастурда белгиланган вазифаларнинг ижросини ўз вақтида ва сифатли бажарилишини;

“Маънавият ойлиги” давомида ташкил этилган ва ўтказилган тадбирлар бўйича видеоролик ва лавҳалар тайёрланиши ҳамда марказий ва маҳаллий оммавий ахборот воситаларида намойиш этилишини;

хар ўн кунда ойлик доирасида амалга оширилган тадбирлар муҳокама қилинишини ҳамда натижалари юзасидан ҳисоботлар Вазирлик Маънавий-маърифий ишлар хизматига тақдим этилишини таъминласинлар.

5. Ички ишлар вазирлиги Маънавий-маърифий ишлар хизмати (Х.В. Махсумов):

“Маънавият ойлиги” доирасида амалга ошириладиган тадбирларни назорат қилиш, мониторингини олиб бориш ҳамда бу борада амалга ошириладиган тадбирларни мувофиқлаштириш учун масъул этиб белгилансин;

“Маънавият ойлиги” якуни бўйича амалга оширилган ишлар, аниқланган камчиликлар ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан умумлаштирилган ҳисобот тайёрласин.

6. Ички ишлар вазирлиги Маънавий-маърифий ишлар хизмати (Х.В. Махсумов), Академия (Р.А. Хатамов), Малака ошириш институти (О.Т. Ахмедов) ва Маданият саройи (У.Т. Тиллаев) ички ишлар органларида “Ватанга ва халққа садоқат билан хизмат қилиш – олий бурчимиз!” концептуал ғояси асосида республика илмий-амалий конференциясини ўтказсин.

7. Вазирлик Молия ва моддий-техника таъминоти департаменти (А.А. Абиджанов), таркибий тузилмалар ва ҳудудий бўлинмалар бошлиқлари “Маънавият ойлиги” давомида сарфланадиган харажатлар учун етарли миқдорда маблағ ажратсин.

8. Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқалар бошқармаси (Ш.К. Гиясов) ойлик доирасида амалга ошириладиган тадбирларни оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда кенг ёритиш чораларини кўрсин.

9. Мазкур фармойиш ижросини таъминлаш Вазирликнинг таркибий тузилмалари ва ҳудудий бўлинмалари бошлиқларига, умумий назорат Вазир ўринбосари, генерал-майор А.И. Икрамов зиммасига юклатилсин.

Вазир
генерал-лейтенант

П.Р. Бобожонов

Тошкент шаҳри,
2023 йил “11” *сентябрь*
100-сон

Ички ишлар вазирининг 2023 йил
 “19 май” даги “100”-сонли
 фармойишига 1-илова

“Ватанга ва халққа садоқат билан хизмат қилиш олий бурчимиз” шиори остида ўтказиладиган “Маънавият ойлиги”нинг
 ДАСТУРИ

№	Тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
Ташкилий чора-тадбирлар				
1.	Барча ички ишлар органларида “Маънавият ойлиги”ни юқори савияда ўтказишни ташкиллаштириш ва тарғибот ишларини амалга ошириш.	1) ИИВнинг фармойиши ҳамда ушбу дастур талабларидан келиб чиқиб, “Маънавият ойлиги”ни ўтказиш бўйича алоҳида чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш; 2) Ички ишлар органларида “Маънавият ойлиги” тадбири ўтказиладиганлигини акс эттирувчи баннер ва плакатларни ички ишлар органларининг маъмурий бинолари кириш жойларига, туман (шаҳар) марказлари ва аҳоли гавжум жойларга илиш; 3) Апрель ойида ички ишлар органларида “Маънавият ойлиги” ўтказиладиганлигини марказий ва маҳаллий оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқлар ҳамда газета ва журналлар орқали ёритиш.	2023 йил 1 май 2023 йил 1-3 май 2023 йил 1-5 май	Таркибий ва ҳудудий бўлинмалар ММИХ, МваМТТД ҳамда уларнинг таркибий ва ҳудудий бўлинмалари (А.Иномов) Ахборот хизмати ва унинг ҳудудий бўлинмалари
2.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 02.04.2021 йилдаги ПҚ-5050-сон қарори билан тасдиқланган “Ички ишлар органларида маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш концепцияси” ижроси юзасидан ўтган 2 йил мобайнида амалга оширилган ишларнинг ҳисобот йиғилишларини ўтказиш.	1) Ички ишлар органларида маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш йўналишида иккинчи илмий-амалий республика конференциясини ўтказиш; 2) Республика даражасида ўтказилган илмий-амалий конференциясидан келиб чиққан ҳолда ҳар бир ҳудудий ички ишлар органларида мазкур тадбирларни ўтказиш.	2023 йил 1 май (алоҳида сценарий асосида) 2023 йил 10 май қунига қадар (алоҳида сценарий асосида)	ММИХ (Х.Махсумов) Ҳудудий бўлинмалар

Китобхонлик ҳафталиги

3.	<p>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 14.12.2020 йилдаги 781-сон қарори билан тасдиқланган 2020-2025-йилларда китобхонлик маданиятини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш миллий дастурига асосан апрель ойининг биринчи ҳафтасини “Китобхонлик ҳафталиги” деб эълон қилинганлиги муносабати билан мазкур тадбирни юқори савияда ўтказиш.</p>	<p>1) Ички ишлар органларида жорий йилнинг 3-8 май кунлари “Китобхонлик ҳафталиги”ни ўтказиш бўйича оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилиш; 2) Ҳар бир ички ишлар органларида “Китоб ярмаркалари”ни ташкил этиш. 3) Ички ишлар органларида ташкил этилган янги кутубхоналарни очилиш маросимларини ўтказиш; 4) туман-шаҳар ички ишлар органларининг тарих китобларини тақдимотларини ўтказиш; 5) Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси ҳамда ҳудудлардаги марказий кутубхоналарга ички ишлар органлари ходимларини ташрифларини ташкиллаштириш ҳамда уларни кутубхоналарга аъзо бўлишларини таъминлаш; 6) Ёзувчилар уюшмасининг ҳудудий бўлинмалари билан ҳамкорликда ҳудудий ички ишлар органларига ёзувчи-шоирларни меморандумга асосан масъул этиб бириктириш.</p>	<p>2023 йил 3 май</p> <p>2023 йил 3-8 май кунлари</p> <p>2023 йил май ойида</p>	<p>Ахборот хизмати ва унинг ҳудудий бўлинмалари</p> <p>Маънавий-маърифий ишлар хизмати ҳамда унинг ҳудудий бўлинмалари (А.Балтаев, Н.Муллажонова)</p>
4.	<p>Ички ишлар органлари ходимлари фарзандларининг адабиёт ва санъатга қизиқишини ошириш, мургак қалблардаги истеъдод ва қобилиятни шакллантириш мақсадида “Бола қалбига маънавийат нурини ташувчи нашрлар” мавзусида маънавий-маърифий тадбир ўтказиш.</p>	<p>1) Болаларнинг сеvimли нашрлари бўлган “Тонг юлдузи” газетаси, “Ғунча” ва “Ғулхан” журналларининг бош муҳаррирлари билан учрашувлар ўтказиш; 2) Учрашувларда “Тонг юлдузи” газетаси, “Ғунча” ва “Ғулхан” журналларининг ярмаркасини ташкил этиш; 3) Барча ички ишлар органлари ходимларнинг оиласига “Маънавийатчи йўллаш” шиори остида мазкур газета ва журналларга ихтиёрий обунани ташкиллаштириш.</p>	<p>2023 йил май ойида</p>	<p>Маънавий-маърифий ишлар хизмати ва унинг ҳудудий бўлинмалари (А.Балтаев, Н.Муллажонова)</p>

5.	<p>Ўзбекистон ёшлар ишлари агентлиги томонидан эълон қилинган “Ёш китобхон” республика танловида ички ишлар органлари ходимлари ва уларнинг фарзандларини муносиб иштирокини таъминлаш мақсадида (@yoshkitobxon_bot) телеграм боти орқали рўйхатдан ўтишларини ташкиллаштириш.</p>	<p>1) “Ёш китобхон” танловининг 10-14 ёш бўйича ички ишлар органлари ходимларининг фарзандлари ва ИИВ Ихтисослаштирилган мактаб-интернати ўқувчилари иштирокини таъминлаш; 2) “Ёш китобхон” танловининг 15-19 ёш бўйича ИИВ Академияси ва Академик лицей ва Темурбеклар мактаби ўқувчилари иштирокини таъминлаш; 3) “Ёш китобхон” танловининг 20-30 ёш бўйича ички ишлар органлари ёш ходимлари иштирокини таъминлаш; 4) “Ёш китобхон” танловида муносиб иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллаган ходимларни вазирлик раҳбарияти томонидан пул мукофотлари билан тақдирлаш.</p>	<p>2023 йил 1 июнь</p>	<p>Маънавий-маърифий ишлар хизмати ҳамда унинг ҳудудий бўлинмалари Академия (Б.Дадажонов) Академик лицейлар (Ф.Базаров) Мактаб-интернати (Ш.Тўраев) Ижтимоий-ҳимоя бошқармаси (О.Якубов)</p>
6.	<p>Ички ишлар органлари ходимлари ўртасида “Ички ишлар органлари кутубхонасига бир жуфт китоб” акциясини ташкил этиш.</p>	<p>Ҳар бир ходими хизмат жойидаги кутубхонасига бир жуфт янги китобларни совға қилиши, бунда раҳбар ходимлар намуна кўрсатишларини ташкиллаштириш.</p>	<p>2023 йил май ойида</p>	<p>Маънавий-маърифий ишлар хизмати (Х. Махсумов) ва унинг ҳудудий бўлинмалари</p>
7.	<p>Ички ишлар органлари ходимларининг дунёқараши, сиёсий онги, маънавий ва интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, муомала маданияти, фикрлаши, нотиклик санъатини ривожлантириш мақсадида газета ва журналларга бўлган қизиқишларини янада кучайтириш.</p>	<p>1) Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмаси муассислигида чоп этиладиган “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси ҳамда “Маънавий ҳаёт”, “Жаҳон адабиёти” ва “Шарқ юлдузи” журналларининг бош муҳаррирлари билан учршувлар ўтказиш; 2) Ҳудудий ички ишлар органларида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг ҳудудий бўлинмалари билан ҳамкорликда маҳаллий газета ва журналларнинг муҳаррирлари билан давра суҳбатларини ўтказиш. 3) 2023 йилнинг биринчи чораги давомида газета ва журналларда энг кўп мақоласи чоп этилган ички ишлар органлари ходимларини аниқлаш мақсадида танлов эълон қилиш ва ўтказиш ҳамда ғолибларни ойлик якуни бўйича тақдирлаш.</p>	<p>2023 йил апрель ойида</p> <p>2023 йил май ойида</p>	<p>ИИВ Маънавий-маърифий ишлар хизмати (Х. Махсумов),</p> <p>“Постда-На посту” (Б.Садикова)</p>

8.	Ички ишлар органлари ходимларининг касбий маданият ва хизмат интизоми кодексининг қоида ва талабларидан келиб чиқиб, амалга оширилаётган ислохотлар бўйича “Кодекс амалда” рукни остида видеороликларни тайёрлаш ва ОАВлари орқали намойиш этиш.	1) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 20 январдаги ПҚ – 10-сон қарори билан тасдиқланган “Ички ишлар органлари ходимларининг касбий маданият ва хизмат интизоми кодекси” талабларига ходимлар томонидан амал қилиниши ҳамда унинг натижасида кузатилаётган ўзгаришлар тўғрисида вилоятлар кесимидаги маълумотлар асосида видеороликлар тайёрлаш ; 2) Тайёрланган видеороликларни ОАВлари орқали намойиш этиш.	2023 йил май ойида	Маънавий-маърифий ишлар хизмати (Х.Махсумов), Ахборот хизмати (Ш.Гиясов) ва унинг ҳудудий бўлинмалари
9.	Соҳибқирон Амир Темур (9 апрель), Абдулла Қодирий (10 апрель), Муҳаммад Юсуф (26 апрель) таваллуд топган кунлари муносабати билан маънавий-маърифий тадбирларни ўтказиш.	1) “Маънавият ва маърифат дарси”га қўшимча мавзу сифатида киритилиб, А.Темурнинг “Темур тузуклари” ва А.Қодирийнинг “Ўтган кунлар” асарлари ҳақида шахсий таркибга тушунча бериш ва мазкур асарларни ҳар бир ходим мутолаа қилишларини ташкиллаштириш; 2) ИИВ таълим муассасалари ўқувчилари ўртасида А.Темур, А.Қодирий, М.Юсуфнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида турли кечалар ва танловларни ташкил этиш.	2023 йил май ойида	Маънавий-маърифий ишлар хизмати (Х.Махсумов) Таълим жараёнини ташкил этиш бошқармаси (У.Нуруллаев)
Театр ва кино ҳафталиги				
10.	Ходимларнинг эстетик тарбиясини кучайтириш, уларнинг маданият ва санъатнинг турли соҳаларига бўлган қизиқишларини ошириш мақсадида “Театр ва кино ҳафталиги”ни ўтказиш.	1) Ўзбекистон миллий академик драма театри билан келишилган ҳолда “Театр ва кино ҳафталиги”ни ўтказиш режасини ишлаб чиқиш. бунда: ҳар бир ички ишлар органлари ходимларининг хизмат вазифасидан келиб чиққан ҳолда уларни ҳафта давомида театр ва кинотеатрларга ташриф буюришларини таъминлаш.	2023 йил 10-16 май кунлари	ММИХ, Касаба уюшмаси, Маданият саройи, МваМТТД ва унинг ҳудудий бўлинмалари

11.	Ички ишлар органларининг “Санъатда хаваскор истеъдодлар” кўнгилли жамоалари томонидан маданий-маърифий тадбирларни ташкил этиш.	1) Худудий ички ишлар органларининг “Санъатда хаваскор истеъдодлар” кўнгилли жамоалари томонидан алоҳида концерт дастурлари тайёрланган ҳолда туман-шаҳар ва соҳавий хизмат ходимлари ва уларнинг оила аъзолари учун намоёишини ташкил этиш; 2) Ички ишлар вазирлининг “VSF-102” кувноқлар ва зукколар терма жамоасини Ўзбекистон Ёшлар ишлари агентлиги томонидан эълон қилинган республика танловининг саралаш ва рўйхатдан ўтказиш маросимларида иштирокини таъминлаш.	2023 йил май ойида 2023 йил май ойида	Маданият саройи (У.Тиллаев) ва худудий ички ишлар органлари Ёшлар иттифоқи етакчилар кенгаши раиси (Ю.Юсупов)
Маданий тадбирлар ва “Маънавият маршрути” ҳафталиги				
12.	Ички ишлар органларида “Маънавият ойлиги” доирасида таникли санъаткорлар, хонанда ва созандалар ҳамда бадиий сўз усталари томонидан “Барча саъйи ҳаракатларимиз – инсон қадри учун” шиори остида маданий-маърифий концерт дастурини ўтказиш.	1) Ички ишлар органлари ходимлари ва уларнинг оила аъзолари, фахрийларимиз ҳамда хизмат вақтида ҳалок бўлган ходимларнинг оила аъзоларига концерт дастурларини ташкил этиш. 2) Мазкур концерт дастуридан келиб тушган маблағлар ҳисобидан хизмат вазифаларини бажариш чоғида қаҳрамонларча <u>ҳалок бўлган ходимларнинг оила аъзолари ва ногиронлиги туфайли нафақага чиққан ходимлар</u> ҳамда фахрийларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш.	2023 йил май-июнь ойларида алоҳида режа графиги асосида	Маданият саройи (У.Тиллаев)
13.	Тошкент шаҳридаги “Космонавтлар” хиёбонида барпо этилган “Ички ишлар органларининг китобхон оиласи тасвирланган ҳайкал” олдида маънавий-маърифий тадбирларни ўтказиш.	1) “Космонавтлар” хиёбонида шоир ва ёзувчиларни таклиф қилган ҳолда ички ишлар органларининг ёш ходимлари ўртасида китохонлик кечаларини ўтказиш; 2) Ходимларнинг оила аъзоларини ташрифларини ташкиллаштириш.	2023 йил 24-29 май	Маънавий-маърифий ишлар хизмати (Ю.Юсупов)
14.	Ички ишлар органлари тизимида хизмат олиб бораётган ёш ходимлар ва фахрийлар ўртасида “Уч авлод учрашув” тадбирларини ташкил этиш, бунда узоқ йиллар давомида хизмат қилган фахрийларни	1) Ҳар бир ички ишлар органларида ҳамда соҳавий хизматларда “Уч авлод учрашув” тадбирларини ташкил этиш, бунда узоқ йиллар давомида хизмат қилган фахрийларни	2023 йил 24-29 май	Маънавий-маърифий ишлар хизмати (Х.Махсумов), Фахрийлар кенгаши

		таклиф этиш, уларнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида ёш ходимларга ўртак сифатида кўрсатиш; 2) Ўтказилган тадбирларни оммавий ахборот воситалари орқали ёритиш бориш.		(Э.Норгитов) худудий ички ишлар органлари
15.	Ҳар бир худуд учун тасдиқланган “Маънавият маршрути” лойиҳаси бўйича ички ишлар органлари ходимларининг мазкур маданият объектлари, музей, зиёратгоҳларга таширларини амалга ошириш.	1) “Маънавият маршрути” лойиҳасида кўрсатилган объектлар рўйхатини янгилаш; 2) Мазкур режага асосан барча ички ишлар органлари ходимлари ва уларнинг оила аъзоларини “Маънавият маршрути”да кўрсатилган объектларга таширларини таъминлаш.	2023 йил 5 май май ойи давомида	Маънавий-маърифий ишлар хизмати ҳамда унинг худудий бўлинмалари
16.	“Маънавият ойлиги” доирасида ўтказилган барча турдаги танлов ғолибларини муносиб тақдирлаш.	1) Ўтказилган танловларда вилоят ва республика даражасида биринчи ўринни қўлга киритган ҳамда энг намунали иштирок этган ходимларни ички туризм йўналишида Тошкент шаҳри, Бухоро, Самарқанд ва Тошкент , вилоятларига дам олишлари учун таширларини амалга ошириш.	2023 йил май ойида	ММИХ Касаба уюшмаси (Х.Махсумов) МваМТТД (А.Абиджанов)
Интеллектуал ҳафталик				
17.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 20.01.2023 йилдаги “Заковат” интеллектуал ўйинини аҳоли ўртасида оммавий-маърифий ҳаракатга айлантириш ва бошқа интеллектуал ўйинларни ривожлантиришга оид чора-тадбирлар тўғрисидаги ПҚ-96-сон қарорига асосан “Интеллектуал ҳафталик” тадбирини ўтказиш.	1) Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда унинг худудий бўлинмалари билан ҳамкорликда ҳар бир ички ишлар органларида “Заковат” интеллектуал ўйинини ташкил этиш. Бунда: барча ички ишлар органлари ходимлари иштирокини таъминлаш; гуруҳ, бўлинма, бўлим, бошқарма ва ҳ.к кетма-кетликда жамоаларни шакллантириш; ҳар бир жамоага алоҳида ном бериш.	Биринчи: соҳавий хизматлар кесимида, туман босқичи 10 май кунига қадар. Иккинчи: туманлар кесимида (<i>гуруҳ таркиби ўзгартиришга йўл қўйилмайди</i>), вилоят босқичи 20 май кунига қадар. Учинчи: вилоятлар кесимида, республика босқичи 30 май кунига қадар.	Маънавий-маърифий ишлар хизмати ҳамда унинг худудий бўлинмалари

18.	<p>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 20.01.2023 йилдаги ПҚ – 10-сон қарори билан тасдиқланган ички ишлар органлари ходимларининг касбий маданият ва хизмат интизоми кодексининг ходимлар томонидан қай даражада ўзлаштирилганини аниқлаш мақсадида ички ишлар органлари ходимлари ўртасида “Кодекс билимдони” танловини ўтказиш.</p>	<p>1) “Кодекс билимдони” танловини учун Касбий маданият ва хизмат интизоми кодекси бўйича 30 та савол тузиш.</p> <p>2) “Кодекс билимдони” танловини ўтказиш мақсадида “Telegram” ижтимоий тармоғида алоҳида бот ишга тушириш ва бу ҳақда ходимларни бохабар қилиш.</p> <p>3) Тест ечиш бўйича танловни ўтказиш, энг қисқа муддатда ва энг кўп тўғри жавоб берган иштирокчиларни ғолиб деб топиш.</p> <p>4) Кўрик-танлов ғолибларини эсдалик совгалари билан тақдирлаш</p>	<p>2023 йил 10 май</p> <p>2023 йил 15 май</p> <p>2023 йил 15 май</p> <p>2023 йил 30 май</p>	<p>Маънавий-маърифий ишлар хизмати</p> <p>Ахборот технологиялари, алоқа ва ахборотни химоялаш бошқармаси, Ахборот хизмати</p> <p>Маънавий-маърифий ишлар хизмати</p> <p>Маънавий-маърифий ишлар хизмати</p>
-----	---	---	---	---

Ички ишлар вазирининг
2023 йил “11” *сентябрь* ги
100 сон фармойишига
2-илова

**Ички ишлар органларида “Ватанга ва халққа садоқат билан хизмат
қилиш – олий бурчимиз!” шиори остида ўтказиладиган “Маънавият
ойлиги” бўйича ташкилий қўмита
ТАРКИБИ**

- А.И. Икрамов** – Ички ишлар вазири ўринбосари, генерал-майор
ташкилий қўмита раиси
- Х.В. Махсумов** – Маънавий-маърифий ишлар хизмати бошлиғи, полковник,
ташкилий қўмита раиси ўринбосари
- Ш.И. Норгитов** – Ташкилий департамент бошлиғи, полковник
ташкилий қўмита аъзоси
- А.А. Абиджанов** – Молия ва моддий-техника таъминоги департаменти бошлиғи,
полковник, *ташкилий қўмита аъзоси*
- А.С. Иномов** – Маънавий-маърифий ишларни мувофиқлаштириш бошқармаси
бошлиғи, подполковник,
ташкилий қўмита аъзоси
- У.К. Нуруллаев** – Таълимни ташкил этиш бошқармаси бошлиғи, полковник,
ташкилий қўмита аъзоси
- Ш.К. Гиясов** – Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқалар
бошқармаси бошлиғи, полковник
ташкилий қўмита аъзоси
- Ш.Ю. Нишанов** – Тиббиёт бошқармаси бошлиғи, подполковник
ташкилий қўмита аъзоси
- Б.Т. Садикова** – Бирлашган таҳририяти бош муҳаррири, полковник
ташкилий қўмита аъзоси
- У.Т. Тиллаев** – Маданият саройи бошлиғи, подполковник
ташкилий қўмита аъзоси
- М.М. Махмудов** – Алоҳида намунали-қўрғазмали оркестр бошлиғи, подполковник
ташкилий қўмита аъзоси
- Лавозимига кўра – Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазири, Тошкент
шаҳар ва Тошкент вилояти ИИББлари ҳамда вилоятлар
ИИББлари бошлиқлари, *ташкилий қўмита аъзолари*

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2023 йил 11 апрелдаги

№ 100 - сон фармойишининг тақсимоти

Т/р	Ички ишлар органлари номи	нусха
1.	ИИВ Ташкилий департамент Котибият	1 нусха
2.	ИИВ Ташкилий департамент ЮТБ	1 нусха
3.	ИИВ Ташкилий департамент Тахлилий назорат бошқармаси	1 нусха
4.	ИИВ Ташкилий департамент Мурожаатлар билан ишлаш бошқармаси	1 нусха
5.	ИИВ Тергов департамент	1 нусха
6.	ИИВ ШХББ	1 нусха
7.	ИИВ ММИваКБТД	2 нусха
8.	ИИВ ТҚД	1 нусха
10.	ИИВ ЖХД	1 нусха
11.	ИИВ ХХБ	1 нусха
13.	ИИВ М ва ФРББ	1 нусха
14.	ИИВ ЙХХХ	1 нусха
15.	ИИВ ЖИЭД	1 нусха
16.	ИИВ ҚҚҚ	1 нусха
17.	ИИВ ХСБ	1 нусха
18.	ИИВ АТА ва АҲБ	1 нусха
19.	ИИВ Ж ва ОАВБАБ	1 нусха
20.	ИИВ Тиббиёт бошқармаси (Марказий госпиталь, МХТК, Марказий полиника, Стаматология, Ўзбекистон санаторияси)	6 нусха
21.	ИИВ Хуқуқий статистика ва тезкор ҳисоб маълумотлар маркази	1 нусха
23.	ИИВ Малака ошириш институти	1 нусха
24.	ИИВ ЭКМБ	1 нусха
25.	ИИВ Бирилашган таҳририят	1 нусха
26.	ИИВ НТИ	1 нусха
27.	ИИВ “Интерпол” ММБ	1 нусха
28.	ИИВ Махсус операцияларни мувофиқлаштириш бошқармаси (Кинология маркази)	2 нусха
29.	ИИВ Махсус бўлим	1 нусха
30.	ИИВ “ЖАР” ССК	1 нусха
31.	ИИВ Марказий база	1 нусха
34.	ИИВ Т ва ТОХТД (Транспорт)	1 нусха
35.	ИИВ Академия	1 нусха
37.	ИИВ Маданият саройи ва Алоҳида наъмунали оркестр	1 нусха
39.	ИИВ Ихтисослаштирилган мактаб-интернати	1 нусха
40.	ИИВ М ва МТТД	1 нусха
41.	ИИВ УМТС	1 нусха
42.	ИИВ Пробация хизмати	1 нусха
43.	ИИВ Тезкор таъминот бошқармаси	1 нусха
45.	ИИВ Халқаро Аэропортларда Хавфсизликни таъминлаш қўшинлари	1 нусха
47.	ИИВ Уринбосари бошқарув аппарати (Қишлоқ хўжалиги)	1 нусха
48.	Қоравул қўшинлари қўмондонлиги	1 нусха
49.	“Постда-На посту” газетаси	1 нусха
50.	ИИВ Академик лицейлари	1 нусха
51.	Тошкент шаҳар ИИББ	1 нусха
52.	Тошкент вилояти ИИББ	1 нусха
53.	Сирдарё вилояти ИИБ	1 нусха
54.	Жиззах вилояти ИИБ	1 нусха
55.	Самарқанд вилояти ИИБ	1 нусха
56.	Навоний вилояти ИИБ	1 нусха
57.	Бухоро вилояти ИИБ	1 нусха
58.	Фарғона вилояти ИИБ	1 нусха
59.	Наманган вилояти ИИБ	1 нусха
60.	Анджон вилояти ИИБ	1 нусха
61.	Қашқадарё вилояти ИИБ	1 нусха
62.	Сурхандарё вилояти ИИБ	1 нусха
63.	Хоразм вилояти ИИБ	1 нусха
64.	Қорақалпоғистон Республика ИИВ	1 нусха
	ЖАМИ:	78 нусха

ИИВ Маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш бошқармаси бошлиғи, подполковник



А.С. Иномов

62

55